



**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



УЎТ: 631.52:623.11

**БАХОРГИ БЎҒДОЙНИ МЕКСИКА НАМУНАЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ-
ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ**

Қутлимуратова З.А. – Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот

институтининг таянч докторанти

Илмий раҳбар-Бекбанов Б.А.-қ.х.ф.н., к.и.ҳ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19457649>

Аннотация. *Bahorgi bo'g'doyning' kolleksion namunalarini, yuqori qimmatli-xo'jalik belgilariga ega mahalliy navlar bilan chatishtirib, Qoraqalpogstanni tuproq-iqlim sharoitiga mos qurg'oqchilik, issiqlik va sho'rga chidamli bahorgi bo'g'doy navlarini yaratish buyicha tadqiqot olib borilgan.*

Калит сўзлар. *Bahorgi bo'g'doy, nav, kolleksion namunalar, chatishtirish, qimmatli-xo'jalik belgilar, tuproq-iqlim sharoit, don sifati, tashqi muhyt omili, issiqlik, qurg'oqchilik, sho'r tuproq*

Аннотация. *Выведение сортов яровой пшеницы скрещиванием местных и интродуцированных коллекционных образцов, устойчивые к засухе, засолению, а также климатическим условиям Каракалпакстана.*

Ключевые слова. *Яровая пшеница, сорт, коллекционные образцы, гибридизация, хозяйственно-ценный признак, почвенно-климатические условия, качества зерна, внешние факторы, засуха, засоление*

Annotation. *The article presents the results of studies of various varieties of spring wheat. Of great imports co is the correct choose of placement and density of standing plants on the field, on which depends the normal growth and development, as well as the formation of all plant organs.*

Key words. *Spring wheat, variety, collection samples, hybridization, economically valuable trait, soil and climatic conditions, grain quality, external factors, drought, salinity*

Кириш. Республикамизнинг суғориладиган майдонлари учун маҳаллий шароитларга мос, касаллик ва зараркундаларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган баҳорги бугдойнинг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Юмшоқ бугдойнинг турли абиотик омилларга, касалликларга чидамли янги навларни яратишда, селекция ишларини ривожлантириш борасида илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Баҳорги бугдой навларини яратишда ҳар бир минтақанинг ноқулай ташқи муҳит шароитларига бардошли бошланғич манбаларни аниқлаш, селекционер олимлар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Янги яратилаётган нав, ҳудудда экилиб келинаётган навлардан юқори ҳосилдор бўлиши, селекциянинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Коллекция кўчатзорида интродукция қилинган нав ва намуналар атрофлича баҳоланиб, ўрганилган намуналардан энг яхшилари танлаб олиниб, дурагайлаш ишларига жалб этилади.

Тадқиқот объекти ва услуги. Халқаро ICARDA ва CIMMYT ташкилотлари орқали Мексикадан келтирилган баҳорги юмшоқ бугдойни 50 та коллекцион намуналари, коллекция кўчатзорида ҳар бири 1 м² майдонга экилади. Кукариб чиқишдан пишиб етилишгача бўлган даврларига кузатувлар олиб борилади. Тажрибада нав ва намуналарнинг охириги бўғин узунлиги, бошоқ узунлиги ҳамда бошоқчалар сони ҳам



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



аникланади. Дала тажрибалари қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси услуги асосида олиб борилади.

Юқори сифатли, серхосил, дон сифати юқори эрта пишар навларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда, навларни тўғри танлаш ва минтақалар бўйича жойлаштириш асосий талаблардан бири ҳисобланади [1].

Ўсимликнинг тўплаш ва найчалаш фазасида ҳароратнинг юқори бўлиши, бошоқ умумий вазнини камайишига сабаб бўлиб, бунда асосан бошоқда дон сонининг кам бўлиб қолишига олиб келади [2].

Буғдойнинг республикамиз тупроқ иқлим шароитларига мос жаҳон коллекция намуналарини турли хусусиятларини ўрганиш, ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли намуналарни ажратиб олиш ва селекция ишларига жалб қилиш, янги навлар яратишда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади [3].

Иссиққа чидамлиги бўйича ажратилган буғдойлар протаплазмасидаги оксиллар коагуляцияси 61°C да бошланиши аниқланган [4].

Бошқа тадқиқотларга кўра [5], буғдойнинг ҳар хил экотипларида бу кўрсаткич $55,0-58,0^{\circ}\text{C}$ дан ошмаган.

Буғдой донининг йириклиги, ўсиш даврининг давомийлиги, хусусан, бошоқлаш-пишиб етилиш даврига боғлиқ бўлиб, қурғоқчиликка чидамлилигини курсатиши аниқланган [6].

Кутилаётган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Дала тажрибаси, Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида коллекция кўчатзорида олиб борилади. Навларнинг биометрик кўрсаткичларини баҳолаш ва аниқлаш, юқори ҳосилли ўсимликларни танлаб олиш имкониятини беради. Буғдойда битта бошоқдаги дон сони, юқори ҳосилдорликда муҳим аҳамиятга эга. Бу белги навларнинг ирсий хусусияти бўлиб, ўсимликни ўстириш шароитига ҳам боғлиқдир. Ҳосилдорликни белгилайдиган структура элементлари: бошоқ узунлиги ва бошоқдаги бошоқчалар сони, наводорлик хусусият бўлиб, маҳсулдор тупланиш, бошоқдаги дон сони ва 1000 та дон вазни ташқи муҳит таъсирида узгариб туради.

Нав ва намуналар ҳосилини юқори бўлишига бошоқ узунлиги ижобий таъсир кўрсатади. Тажрибада бошоқ узунлиги кўрсаткичи 8.5–12 см оралиғида бўлган намуналар ажратилиб, чатиштириш ишларида қўлланилади.

Бошоқдаги бошоқчалар сони муҳим биометрик кўрсаткичлардан бири бўлиб, юқори ҳосил берувчи навларда бошоқчалар сони нисбатан кўп бўлади ва бу белги навларнинг ирсий белгиси бўлиб ҳисобланади. Бошоқдаги дон сонига қараб намуналар танлаб олинadиган бўлса, сермаҳсул намуналарни танлаб олиш имконияти анча юқори бўлади. Бу кўрсаткич, навларнинг генетик имкониятларига ҳамда ўсимлик ўстирилган муҳит омилларига боғлиқ. Бошоқдаги бошоқчалар сони кўрсаткичлари 14–25 та оралиғида бўлган намуналарга эътибор қаратилади. Нав ва намуналарнинг бошоқчалар сони билан 1000 дон дон вазни ва 1000 дон дон вазнининг ҳосилдорлик кўрсаткичи билан боғлиқлиги орасида ижобий коррелятив боғлиқлик мавжуд.

Вегетация даврининг давомийлигига қаратилган селекция йўналишида, ёз фасли қисқа булган шимолий ҳудудлар учун тез пишар навлар хал қилувчи аҳамиятга эга.

Тажрибада нав ва намуналар ўсимлигининг охириги бўғин узунлиги, аниқланади. Охириги бўғин узунлигини аниқлашдан асосий мақсад, қурғоқчиликка бардошли нав ва намуналарни танлаш бўлиб, охириги бўғиннинг узун бўлиши қурғоқчиликка чидамлилигини кўрсатади.

Буғдойнинг иссиқликка чидамлилиқ қобиляти, унинг таркибидаги намликнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўладиган омилларга қарши бардош беришига боғлиқ. Республиканинг маҳаллий иқлим шароитида буғдой бошоғини дон тўлиш даври одатда



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



иссиқ кунларга тўғри келади. Юқори ҳароратнинг узок вақт мобайнида таъсир этиши натижасида, ўсимликнинг барглари куяди, турли физиологик жараёнлар бўзилади, ўсиш тўқтайди, оқибатда ўсимлик нобуд бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Джураев Д. Т., Н.Н.Шабарова. Бўғдой нав ва тизмаларининг ҳосилдорлик ва ўсув даври курсаткичлари. “Ўзбекистон Республикасида бошоқли дон, ноанъанавий ва мойли ҳамда озуха экинларини инновацион технологиялар асосида етиштириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция мақолалари тўплами. Андижон, 2020 й.271-274

2. Аманов. А. М, Д. Жўраев. //Кузги буғдой иссиқликка чидамли дон сифати юқори бўлган нав ва линияларни ажратиш//. “ Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.Тошкент2015.

3. Фоменко М.А. Создание и внедрение сортов пшеницы и тритикале с широкой экологической адаптацией //Научно-произв. журнал «Зернобобовые и крупяные культуры», 2013. №2(6) – С.41-47

4. Альтергот В. Ф, Мордюкович С. С. Влияние повышенной температуры среды на формирование элементов продуктивности пшеницы. Физиологогенетические основы повышения продуктивности зерновых культур.М.”Колос” .1975.ст. 85-93.

5. Гладышева О. Н, Полимбетова Ф. А. Повышение засухоустойчивости и продуктивностияровых пшеницы в условиях освоения новых земель Акмолинский области. В. сб “Физиология устойчивости растений”. М. Колос. 1960. ст. 38-42.

6. Абдуазимов А. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент. 2015.-Б.190-191.